

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИ

И.Мурадов

### АННОТАЦИЯ

Шаркнинг буюк мутафаккирлари Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Махмуд Кошварий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Захириддин Мухаммад Бобур, Хайдар Хоразмий, Хоғиз Хоразмий каби буюк сиймолар миллатимизнинг ифтихорлари эканлигини билишимиз зарур. Уларнинг асарларда инсонни улуглаш, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, сахийлик, камтарлик, ростгуйлик, дустлик, олижаноблик, муруватлилик, одоб-ахлок, илм-маърифат гоялари илгари сурилган.

### АННОТАЦИЯ

Великие мыслители Востока - Аль Хорезми, Абу Наср Фараби, Ибн Сина, Абу Райхан Беруни, Махмуд Кошгари, Юсуф Хос Хаджиб, Ахмад Юнгнаки, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навои, Абдурахман Джами, Захириддин Мухаммад Бабур, Хайдар Хоразми, Хоғиз Хорезми. надо знать, что великие деятели являются гордостью нашей нации. В их произведениях воплощены идеалы прославления человека, справедливости, патриотизма, трудолюбия, патриотизма, мужества, великодушия, смирения, честности, дружбы, благородства, добродетели, порядочность и знания выдвигаются на первый план.

Шаркнинг буюк мутафаккирлари Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Махмуд Кошварий, Юсуф Хос Хожиб, Ахмад Югнакий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Захириддин Мухаммад Бобур, Хайдар Хоразмий, Хоғиз Хоразмий қаби буюк сиймолар миллатимизнинг ифтихорлари хамда фанга күшган хиссаларнинг кайдаражада эканлигини билишимиз зарур.

Ал Хоразмийнинг асарларда инсонни улуглаш, адолат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, халқпарварлик, мардлик, сахийлик, камтарлик, ростгуйлик, дустлик, олижаноблик, муруватлилик, одоб-ахлок, илм-маърифат Фоялари илгари сурилган. **Муҳаммад Мусо ал – Хоразмий қашфиёти.** Ўнлик позицион хисоблаш тизимини, нол белгиси ва қутблар кординацияларини, алгоритми ва алгебра тушунчаларини дунёга биринчи бўлиб, илм-фан соҳасига жорий этди.

Тўқиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи саноқ системасини кашф этди. “0”нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккуринингбекиёс улкан ютуғи. “Ҳисоб ал – Ҳинд” китобида энг муҳим 6 арифметик амаллар: қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўпайтириш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар ишлаб чиқиб, уларнинг услугуб ва қонуниятларини ва алгебра фанини кашф этди. Натижада “Алгоритм” ва “Алгебра” каби замонавий илмий атамалар унинг номи билан агадийлаштирилди. Шарқ ва Ғарбда Хоразмий даври деб ном олди. [1]

**Аҳмад Фарғоний кашфиёти.** Оламнинг тузилиши, ер ўлчови, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга эканлиги хақида дастлабки маълумотларни илгари сурди. Колумб, Магеллан каби саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун асос солди. Устурлаб назариясини ишлаб чиқди. Бу асбоб Нил дарёсида “Ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машхур иншоотни яратди. “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” фундаментал асарда бу кашфиётлар илмий асбоблар берилди. 16-асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган.

Абу Наср Форобий кашфиёти. Турли фанларга доир фундаментал асарлар яратди. Антик Ғарб мутафаккирларининг (Аристотель ва бошқалар) асарларини таржима қилиб, уларга шарҳ берди, ривожлантириди. Натижада Форобий “Ал-муаллиму соний” (“Иккинчи муаллим”) ва “Шарқ Аристотели” номига сазовор бўлди. У билишнинг рационал (ақлий) методини асослаб берди. “Фозил одамлар шарҳи ҳақида”ги рисоласида кишилик жамиятини қиёсий – мантиқий изоҳлади.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри», «Бахт саодатга эришув тугрисида», «Иҳсо - ал-улум», «Илмларнинг келиб чикиши», «Ақл маънолари тугрисида», «Мукаммал таълим ҳақида рисола» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий карашлари ифодалаган. Форобий «максадга мувофик амалга оширилган таълим-тарбия - инсонни хам ақлий, хам ахлокий жихатдан камолга етказади, хусусан, инсон табиат ва жамият конун-коидаларини тугри билиб олади ва хаётда тугри йул тутади, бошқалар билан тугри муносабатда булади», деб айтади. «Бундай инсон, -деб ёзган эди Форобий, - инсоний баркамол-ликнинг олий сохиби ва бахт саодат буладиган хатти-харакатни биладиган зотдир».

Абу Али Ибн Сино кашфиёти. Тиббиёт, фалсафа мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, адабиёт, тилшунослик соҳаларида катта кашфиётларни амалга оширди. “Тиб қонунлари” бебаҳо фундаментал асарини яратди. XV асрда Европада бу китоб Европанинг етакчи университетларида (ҳозирда ҳам) 500 йил тиббиёт илми асари ўқитиб келинган.

“Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” тушунчалари унинг номи билан боғланган. Унинг илмий кашфиёти дунё тараққиётиниг инсонпарварлик руҳида, маънавий ривожланишга таъсир ўтказди. Инсон қобилиятини ижтимоий муносабатлар доирасида равнақ топтириди. Ибн Сино Шарқда “Шайхур – раис” – “Олимлар олими” деб ном олди.

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Зеро, маърифатли киши жасур, улимдан хам куркмайдиган, факат хакикатни билиш учун харакат киладиган булади, дейди Ибн Сино. Билимсиз кишилар жохил булади, улар хакикатни била олмайдилар, деб уларни етук булмаган кишилар категорига кушади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

У хакикатни билиш учун билимга эга булиш кераклиги, лекин хар кандай билим хам хакикатга олиб келмаслиги, инсон уз билимининг хакикийлигини билиши учун мантиқни хам билиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари хакидаги таълимоти асосида хам билимларни эгаллашда мантикий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, деган гоя ётади.

Ибн Сино таълимотида билишда кайси методлардан фойдаланилмасин - у оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, турли куринишдаги сухбатми, тажрибаларми, бари-бир талабада хакикий билим хосил килиш мустакил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, олган билимларини амалиётга татбик эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий максад булган.

Ибн Сино она алласининг тарбиявий аҳамиятини куйидагича таърифлайди: «Бола-нинг талабини кондирмок учун унга икки нарсани кулламок керак. Бири - болани секин-секин тебратинг, иккинчиси уни ухлатиш учун одат булиб колган мусика - аллалашдир. Шу иккисини кабул килиш микдорига караб болаларнинг танаси билан бадан тарбияга ва руҳияти билан мусикага булган истеъоди хосил килинади».[2]

**Абу Райхон Беруний кашфиёти.** Денгиз назариясини яратди. Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғоясини барпо этди. Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари келадиган мавжудодларни асослади. XI аср “Беруний асри” деб ном олди. Беруний ортида қитъа мавжудлиги ҳақида гапирди. Минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди. Геодезия фанига асос солди. Инсон муҳитда вужудга Гарбда “Алибарон” номи билан машҳур. “Хиндистон” (1030) асарида ҳинд ҳалқининг X асргача бўлган этномаданий келиб чиқиши, урф – одатлари, дини, қадриятларини илк бор баён этди.

Абу Райхон Берунийнинг таъкидлашича, инсон акл сохиби эканлиги билан хайвондан фаркланади. Бу фарқ инсоннинг жамиятдаги турфа эҳтиёжлари билан изохланади. Мазкур эҳтиёжлар энг аввало ундан «яширинган нарсани билишга» интилишда ва келажакда буладиганини куриб куйишда, нимани халокатга кетаётган булса, олдиндан хозирланиб, олдини олиш имкониятига эга булишда кузга ташланади». Абу Райхон Беруний ахлокликнинг ижтимоий мезони сифатида инсон хаётида меҳнатнинг ахамиятини шундай таъкидлайди: «Бахтсизликдан, жохилликдан кутулиш учун меҳнат килиш зарур».[3]

**Мирзо Улуғбек кашфиёти.** “Зиж жадиди Кўрагоний” асарини ёзиб, ўрта асрда астрономик жадвал яратди. Астрономик жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашувини баён қилди. Бу XV аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Ал-заковат, фаросат, фаҳм каби инсоний қувват ҳосил қилиш ҳар бир инсоннинг истак – хоҳиши, эҳтиётга бориб тақалишини ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланишини асослаб берди.

**Ал-Коший (Улугбекнинг шогирди) кашфиёти.** Биринчи бўлиб ўнлик қасрларни илмий истеъмолга жорий этди. Эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди. .У жамиятда ҳар бир кишининг тутган урнига тухталар экан, инсонни уз ортидан яхши ном колдиришга ҳамда ёшларни фурсатни бой бермасдан илму-хунар урганишга чакиради.

Жаҳон отин Увайсийнинг маърифий фаолиятида аёллар саводхонлигини ошириш, аклий тарбия масалаларига алоҳида урин берилган, У уз даврининг ёш толибаларига хаётга мухаббат туйгуларини сингдириб борган, тез фикрлаш, чиройли сузлаш ва бошқа тарбия воситалари билан бөглик булган чистон-топишмок усувларни яратишни ургатган. Шунинг учун хам Увайсий ижодий меросини урганиш ва уни хозирги давр миллий таълим-тарбия тизими мазмунига киритиш мухим ахамитяга эга.[4]

Шундай килиб, инсон ва уни тарбиялаш масалалари Шарқ мутафаккирлари ва алломалари уз асарларида инсоннинг билим олиши, хунар эгаллаши, ундаги юксак маънавий-ахлокий сифатларни улуглайдилар ва шундай фазилатларга Жалолиддин Давонийнинг «Педагогик карашларида аклий тарбия ва билимларни эгаллаш масалалари мухим уринни эгаллайди. Болаларга билим беришни ёшлидан бошлаш зарурлигини таъкидлайди. Давоний инсон аклининг кудратига, унинг ижтимоий ходисаларни билишига, акл илохий улуг бир неъмат, ҳакикат мезони эканлигига ишонади. Чунки инсон акл ёрдамида уз хатти-харакати, фаолиятини бошкаради».

Захириддин Мухаммад Бобур асарларида Ватан ишки, ватанпарварлик гоялари етакчилик килади. Бобурни дунёга танитган асари унинг

«Бобурномаси»дир. Асарнинг камрови жуда кенг, мазмунни мукаммал. Бобур уз карашларида оила тарбияси масалаларига хам эътибор каратади. У оилада онгли холда каттиккуллик билан болаларнинг тартибли, интизомли, онгли булишларини талаб этади.

Ахмад Югнакийнинг «Хибатул-хакойик» асарининг бош гояси маънавият ва маърифат, шахс таълим ва тарбияси масаласидир. Асарнинг «Илм манфаати, жаҳолатнинг зарари хакида» деб аталган биринчи булимида «Билим билан саодат йули очилади, шунга кура илмли бул, баҳт йулинни изла. Билимли киши (киммат) баҳолик динордир, илмсиз, жоҳил киши кимматсиз мевадир. Билимли киши билан билимсиз одамга қачон тенг булади, билимли хотин эр кишидир, билимсиз эркак хотин кишидир» деб илм, илм кишиларини кукга кутаради.

Гайдар Хоразмий асарларида одоб-ахлок масалаларига алоҳида урин берилган. У ёш авлодни хар томонлама етук инсон булишга чакиради, ҳатто бу фикрини шахзодалар, замон хукмдорларига хам дадиллик билан уқтирадиэга булишга барчани чорлайдилар.

Ана шу вазифани муваффакиятли амалга ошириш зарурияти хар бир педагогдан таъ-лим ва тарбия жараёнида байрам тадбирлари, тарбия соатларида ушбу меросдан унумли ва уринли фойдаланишни такозо этади.[5]

Юкоридаги талабларни амалга ошириш учун куйидагилар тавсия килинади:

1. Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги, илмий тадқикот институтлари ходимлари, университет, институт педагоглари томонидан Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг илмий меросларидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга оид мультимедиали методик кулланмалар яратиш ва амалиётга жорий этилишини таъминлаш.

2. Укув дастурлари, дарслклари ва укув кулланмалари мазмунида, шунингдек, олийгоҳларнинг маънавий-маърифий ишлар буйича декан уринбосарлари иш режалари мазмунида талabalарни маънавий-ахлокий жихатдан тарбиялашда Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг илмий меросларидан фойдаланишга оид мультимедиали методик кулланмалардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш.

3. Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг илмий меросларини урганишга багишлиган алоҳида укув фан киритилиши, бунинг учун янги дастур ишлаб чикилиши ва бу фанни педагогика таълим муассасаларида утилиши масаласини урганиб чикиш.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий-маънавий мероси, жаҳон илм-фани, цивилизация ривожига қўшган бебаҳо хиссаси дунё олимлари хамда жаҳон ҳамжамияти томонидан хамиша юксак эътироф этилади.

Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби юзлаб алломаларимизни нафақат биз фахр билан тилга оламиз, балки халқаро жамоатчилик, хусусан, жаҳон илм-фан доиралари вакиллари ҳам юксак қадрлайди. Бугун биз ана шундай буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишни мақсад қилганмиз. Шу маънода, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари тараққиётнинг янги босқичига интилаётган халқимизнинг маънавий-маърифий баркамоллигини намоён қилиши билан бир қаторда, Учинчи Ренессанс даври пойдевори вазифасини бажарувчи илм-маърифат масканлари бўлиши, шубҳасиз. [6]

Қайд этиш керакки, аждодларимиз тарихдаги ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илгор, илмий салоҳияти юқори халқлари қаторидан жой эгаллаган. Улар илм йўлида умрини сарфлаб, ўша даврда мавжуд барча фанлар бўйича етук олимлар бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиздан етишиб чиққан алломаларнинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросига қизиқиш ҳамиша халқаро жамоатчилик, хусусан, дунё олимларининг доимий диққат марказида бўлиб келган.

### Адабиётлар руйхати:

1. Абу наср Форобий. Муқаммал таълим хакида рисола. - Т.: Узбекистон ФА Шарқшунослик институти.
2. Тллашев Х.Х., Камолова Н.К. Урта аср комусий олимлари ва уларнинг маънавий -маърифий карашлари. - Т.: «Чулпон», 2004. - 19 бет.
3. Шарипов А. Абу Райхон Беруний. - Т.: Фан, 1999. - Б. - 114.
4. Кайковус. Кобуснома. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. - Тошкент» Уқитувчи», 2004. - 153 б.
5. Аликулов Х. Жалолиддин Давоний. - Тошкент: «Узбекистон», 1992. - 20 б.
6. 1 Атаева Н., Расулова Ф., Хасанов С. Умумий педагогика. - Т.: «Фан ва технология», 2011. - 430-бет.